

**QIMMATLI QOG'OZLARNING
MARKAZIY DEPOZITARIYSI
DAVLAT KORXONASI**



**STATE ENTERPRISE
CENTRAL SECURITIES
DEPOSITORY**

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 211-09-09. Internet: www.deponet.uz, uzcsd.uz, e-mail: info@uzcsd.uz, uzcsd@exat.uz
Moliya vazirligi G'aznachiligi, G'azna HR: 23402000300100001010, Markaziy bank Toshkent shahar boshqarmasi, MFO:00014, STIR:201122919,
Shaxsiy g'azna hisob raqami: 470010860262697041130021002, STIR: 203021987, IFUT: 66190

26 may 2025 yil.

01/10-2836-son

**“O'zbekiston Respublikasi Aksiyadorlik tijorat Xalq banki”
корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида**

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди	“O'zbekiston Respublikasi Aksiyadorlik tijorat Xalq banki”
Юридик манзил	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатартол кўчаси, 46
Банк реквизитлари	Ўзбекистон Республикаси “Aksiyadorlik tijorat Xalq banki” нинг бош Амалиёт бошқармаси х/р: 1990 7000 8000 0112 5887
Қайси корхона томонидан тайёрланди	“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти
Юридик манзил	100 170, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй
Телефон/факс	тел: 998 (71) 211-09-09
Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар	Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.
Банк реквизитлари	х/р 20208000804014949001, Тошкент ш., АИТБ “Ипак Йули” Миробод филиали, банк коди 01101
Бош директор	Абдужаббаров Шерали Янгибаевич
Баҳолашда иштирок этган мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Абсаламов Э.Б.

“O'zbekiston Respublikasi Aksiyadorlik tijorat Xalq banki” (кейинги ўринларда – Банк) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Банкда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Банк тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиш доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

2024 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси **764 балл**ни ташкил этди ва марказий депозитарийнинг хулосасига мувофиқ Банкнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директор



Ш. Абдужаббаров